

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 30 (4536).

12 февраль, 1971 йил, Ж У М А

Баҳоси 2 тийин.

ҚАҲРАМОН, ЖАНГОВАР!

Ишчи номи энг муқаддас, муътабар ном. Бу муқаддас ном эгалларнинг улкан буюб-корлик қудрати, кучи нимага қодир эмас дейсиз. Шонли ишчилар синфи нисбатан муз-жизалар яратмоқда. У Ленин ғоялари ўқуларидан жамиятини ўзгартириш алағасини ёқди ва ленинчи партия раҳбарлигида Улуғ Октябрь революциясини рубога чиқаришда асосий куч бўлди.

Ушандан бери ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Ишчилар синфи Совет давлати тараққиётининг барча давларида бутун халқнинг жанговар авангарди бўлиб, марксизм-ленинизмнинг ғойибона таълимоти ёритган йўлдан сабот-матонат билан одим ташлапти. Мамлакатимизнинг индустриаллаштириш ленинчи ланининг амалга оширилишида ишчилар синфи кўрсатган жасорат ва фидокорлиги тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан қайд қилинди. Уларнинг қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга қўшган ҳиссаси улкандир. Буюк революцион ғалабаларни, социализм ютуқларини химоя қилишда, она-Ватанимизни, бутун жаҳонни фашизм асоратидан сақлаб қолишдаги қаҳрамонлиги, жанговарлиги, ботирлиги беқиёсдир.

Ишчилар синфининг роли ҳамisha буюкдир. Улар дом кураш ва меҳнат фронтининг барча жаҳалларининг олдинги сафида турадилар. Уларнинг қадок кўллари билан бутун-бутун шаҳарлар тикланмоқда, қўлу-саҳроларни боғу-бўстонларга, гуллаётган водийга айлантишда, дёбимиз янада обод, кўркак бўлишда, чиройли-чирой қўшилмоқда. Бу фозилу зукорларнинг афз-заковати киши ақли бовар қилмайдиган муъжизалар, турли-туман мураккаб машиналардан тортиб то қонит ора парвоз қилаётган космик кемалар яратмоқда.

Ҳозирга совет ишчиси чўқур билим эгаси, дунёқараш беқиёс кенгайган, унда юксак ғоявийлик ва ишдаги моҳирлик бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Юксак ватанпарварлик туйғулар, синфий онглилик миллион-миллион совет ишчиларини новатор бўлишга, уларни ўз меҳнатининг моҳиятини чўқур англашга ундамоқда. Шунинг учун ҳам ишчилар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш, тежамкорлик учун фидокорона курашмоқдалар.

Серкўёш республикамиз, шу жумладан областимиз ишчиларининг меҳнат йўли ҳам жуда ажойиб, жозибали, ёрқин ва қаҳрамонликларга тўлиқдир. Уларнинг куч-ғайрати, катта оға-рус ишчиларининг ёрдами билан мустамлакчилик кишанида ниграб ётган, ҳатто кетмон-игнани ҳам чет эл давлатларидан келтирадиган ўлкамиз ирриқ индустриал дёбига айланди.

Саноатчиларимиз қўлидан чиқаётган турли-туман маҳсулотлар чет эл мамлакатларига йилдан-йилга кўпроқ жўнатишмоқда, уларнинг халқро бозордаги миқдорлари тобора ормоқда. Тўқимачилик, пахта терш машиналари, тракторларимиз, компрессорларимиз ўзлаб-ўзлаб чет эл мамлакатларига олимоқда. Ҳатто «эламан» детал етакчи капиталистик давлатлар ҳам ўзбек ишчиси яратган маҳсулотларни хариж қилмоқда. Бу ўзбек ишчисининг малакаси жуда юксак чўққиларга кўтарилишда, маҳорати тўхтовсиз камол топиб бораётганлигини, улар тайёрлаётган машина-механизмлар сифат жиҳатидан жаҳон стандартлари даражасида эканлигини далолат беради.

Областимиз ишчилари саккизинчи беш йилда ҳам жуда самарали ишлашди. Саноати-

миз тараққиёт йўлидан бориб, юксак марраларни эгаллади, катта-катта зафарлар кўчди. Пландан талқин талқин миллион сумлик маҳсулот тайёрланди. Саноат экономиканинг бошқа тармоқларига нисбатан анча тез суръатлар билан ривожланди. Шу йиллар давомида қатор саноат корхоналари ишга туширилди, ўнлаб маъжуд завод-фабрикалар реконструкция қилиниб, кенгайтирилди, қўлаб-анги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга тошқинланди. Натижада ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 40 процентдан кўпроқ орди. Унинг учдан икки қисми меҳнат унумдорлигининг ошиши эвазига бўлди.

Саноатнинг қатор етакчи тармоқлари янада жадалроқ тараққий этди. Қора ва рангли металлургия, электр энергетикаси, химия, машинасозлик ва металл ишлаш, бинокорлик материаллари саноати ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бир ярим-икки баравар ва ундан ҳам ошқироқ орди. Капитал қурилиш миқдори йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ҳар йили юзларча миллион сумлик қурилиш-монтаж ишлари амалга ошириляпти. Уй-жой бўйбўй этиш кўлами ормоқда. Фақатгина беш йиллик бойнида салкам 7 миллион квадрат метр уйлар қурилди.

Ишчиларимиз сафларига бир назар ташланг. У чиндан ҳам кўпчиллатилди. Лекин, уларнинг мақсади, тилаги, эзу-нияти, интилишлари ягона — саноатимизни янги чўққиларга кўтариш, унинг маҳсулотлари шон-шўхратини ошириш, доврғини оламга тарақтиш, партия белгилаган барча вазифаларини ўз вақтида бекам-кўст бажариш, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини тўхтовсиз яхшилашга эришиш, янги-янги меҳнат зафарлари кўчиб, она-Ватанимиз экономикасини тараққий эттиришга қўлаётган ҳиссалари салмоғини ошириш. Шу йўлда ҳалот меҳнат қилиб обрў ортирган, довг таратган ишчилар областимизда юзлаб, миңлаб топилди. СССР Олий Совети, шунингдек республика Олий Совети, маҳаллий Советларнинг депутатлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари бўлган ишчилар орасида ишчи номини улуглаётганлар ҳам ачагина бор.

Ҳозир қўтлуг қуилар арафасида турибмиз. КПСС XXIV съезди очилаётган кун тобора яқинлашмоқда. Бутун совет халқи давримизнинг ақл-диққати, шон-шарафи ва виждони бўлган КПССнинг бу улкан ашжуманини муносиб кутиб олишга тараддуд кўрмоқда. Ишчиларимиз бу съезд шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасининг олдида бормоқдалар ва тўққизинчи беш йилда зиммаларига юклатилган барча вазифаларни муваффақиятли бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Қатор саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, материаллар ва хом ашёни тежаш юзасидан янги-янги ташаббуслар билан чиқишмоқда.

Моддий бойликлар яратётган, халқимиз бахт-саодати йўлидаги активлиги ва қатъийлиги, барча совет кишилари учун коммунистик эътиқод ва ижодий ташаббускорликда намуна бўлаётган, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун бораётган умумхалқ курашида етакчилик қилаётган қалби пок, мақсади олижаноб, меҳнати ғурурли ишчилар синфига шон-шарафлар бўлсин!

«ФАҚАТ ИШЧИ СИНФИ-
ГИНА МЕХНАТКАШЛАР ОМ-
МАСИНИНГ БИРЛАШУВИГА,
ЖИПСЛАШУВИГА ВА КОМ-
МУНИСТИК ЖАМИЯТНИ
УЗИЛ-КЕСИЛ ҲИМОЯ ҚИ-
ЛИШГА, УЗИЛ-КЕСИЛ МУС-
ТАҲКАМЛАШГА, УНИ УЗИЛ-
КЕСИЛ ҚУРИБ БЎЛИШГА ЁР-
ДАМ БЕРА ОЛАДИ».

В. И. ЛЕНИН.

«ИШЧИЛАР СИНФИ СОВЕТ ЖА-
МИЯТИНИНГ ЭНГ ИЛҒОР, УЮШГАН
КУЧИ БЎЛГАНЛИГИДАН, У КОМ-
МУНИСТИК ҚУРИЛИШНИ КЕНГ АВЖ
ОЛДИРИШ ДАВРИДА ХАМ ЎЗ РАҲ-
БАРЛИК РОЛИНИ АМАЛГА ОШИР-
МОҚДА».

(КПСС ПРОГРАММАСИДАН)

МЕН ЎЗИМНИНГ
ЯНГРОҚ
ШОИРЛИК КУЧИМ
СЕНГА БАҒИШЛАЙМАН,
ЭЙ ҲУЖУМКОР СИНФ
В. МАЯКОВСКИЙ



ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

«БУХАРАНЕФТЕГАЗ» БИРЛАШМАСИ
«ГАЗЛИНЕФТЕГАЗ» ГАЗ-НЕФТЬ КОНЛАРИ
БОШҚАРМАСИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошқарма коллективини табиий газ чиқариш юзасидан беш йиллик план тошпириқларини намунали бажарганили, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштиришдаги муваффақиятлари ва ишда юксак техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришганлиги учун «Бухаранефтегаз» бирлашмаси «Газлинефтегаз» газ-нефть конлари бошқармаси Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг
Раиси Н. ПОДГОРНИЙ

СССР Олий Совети Президиумининг
Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ

Москва, Кремль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТР ХИМИЯ КОМБИНАТИНИ
ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Беш йиллик план тошпириқларини муддатидан илгари бажарганили, химия маҳсулотини ва хусусан минерал-ўғит ишлаб чиқариш кўпайтириш учун ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишда эришган муваффақиятлари учун Чирчиқ электр химия комбинати Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг
Раиси Н. ПОДГОРНИЙ

СССР Олий Совети Президиумининг
Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ

Москва, Кремль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

93-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ
ОКтяБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ
БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Трест коллективини рангли металлургия, химия саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида асбоб-ускуналарни монтаж қилиш юзасидан беш йиллик план тошпириқларини муваффақиятли бажарганили ва юксак техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришганлиги учун 93-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТ Октябр Революцияси ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг
Раиси Н. ПОДГОРНИЙ

СССР Олий Совети Президиумининг
Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ

Москва, Кремль.

КАТТА ҚУВОНЧ

«Бухаранефтегаз» бирлашмасининг «Газлинефтегаз» газ-нефть бошқармаси ишчи-хизматчилари ҳам республикамизнинг қатор корхоналари қатори бешикларини улкан ютуқлар билан яқунладилар. Халқ хўжалигида, планда белгиланганга нисбатан юз миңлаб кубметр кўп арзон ёқилғи етказиб берилди.

Партия ва ҳукуматимиз «Газлинефтегаз» газ-нефть бошқармаси коллективининг эришган муваффақиятини юксак мукофот — Ленин ордени

билан тақдирлади. Қўш орденли пойтахт области меҳнаткашлари газчиларини олий ишюн билан чин қалбдан табриқлайдилар. уларга янгидан-янги меҳнат зафарлари тилайдилар. Меҳнат Қизил байроқ орденли Чирчиқ электр химия комбинатида шодибаннинг чеки йўқ. Партия ва ҳукуматимиз саккизинчи

бешикларини қўлга киритган меҳнат зафарларини муносиб тақдирлади. Комбинат Олий мукофот — Ленин ордени билан мукофотланди. — Партия ва ҳукуматимизнинг юксак ишончи бизни янада унумдорлик, ишлашга, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига қўлаб сифатли минерал ўғитлар етказиб беришга даъват этади, — дейди комбинат ка-

саба союз комитети раиси Абдураҳим Сулаймонов. — Қимматли ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, биринчи квартал планини КПСС нинг XXIV съезди очилишгача бажаришга қарор қилдилар. Олий мукофотта сазовор бўлган қатор корхоналар ичида 93-ИХТИСОСЛАШГАН ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ коллективини ҳам бор. Трест ишчи-хизматчилари шу

кунларда Чирчиқ электр химия комбинатида қўшмача қурилмалар қурипти. Олмалиқ рух заводидаги унчинчи навбатини ишта туширишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

— Коллективимиз, — дейди трест бошқарувчиси ўртоқ И. Иноятов, — ўтган бешикларини ажойиб меҳнат ғалабалари билан яқунлади. Иш ҳажми 52 процент кенгайди. беш йил давомида меҳнат унумдорлиги 54 процентга орди, пландан ташқари бир миллион сумлик соф фойда олинди.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Денгизлар ва океанлар тубида ҳамда унинг қаърида ядро қуролини ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини жойлаштириш тўғрисидаги шартномами Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг XXV сессияси 1970 йил 7 декабрда маъқуллаган эди. Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия депозитар мамлакатлар бўлиш шартномада кўзда тутилган. Шунга мувофиқ, 11 февралда шартномами имзолаш маросими бўлди.

Москвада шартноманинг депозитарлари бўлган уч давлат вакиллари: Совет Иттифоқи номидан — СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громыко, Буюк Британия номидан — Буюк Британиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Сэр Данкен А. Вильсон, АҚШ номидан — Америка Қўшма Штатларининг Совет Иттифоқидаги элчиси Жекоб Д. Бим шартномани имзоладилар.

Шартнома имзолашдан кейин СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин нутқ сўзлад.

Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Стефан Ен-

«КОСМОС-394» ПАРВОЗДА

1971 йил 9 февралда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-394» ушрилди. Нўлош ичига ўрнатилган илмий аппаратлар

1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ космик фазонинг тадқиқ қилиниши давом эттиришга маъжаланган.

(ТАСС).

ОДАМ СУЗИНИНГ ЧИН МАЪНОСИ ИШЧИ,

СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТДА ИШЧИЛАР СИНФИ

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛЬ УНАЙДИ. СОВЕТ ИШЧИСИ РЕВОЛЮЦИОН ПРОЛЕТАРИАТНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАРИНИ МЕРОС ҚИЛИБ ОЛДИ. ИШЧИЛАР СИНФИ ПАРТИЯ ИДЕАЛЛАРИГА АСТОЙДИЛ СОДИҚ БУЛИБ, ХАЛҚ ИШИ УЧУН ОНГЛИ ҚУРАШЧИ, МЕҲНАТДА ВА ТУРМУШДА БИЗНИ КОММУНИЗМГА ЯҚИНЛАШТИРАЕТГАН ТРАДИЦИЯЛАРНИНГ ИЖОДКОРИДИР. ҲОЗИРГИ КУНДА КОММУНИЗМ ҚУРАЕТГАН ИШЧИЛАР КРАСНАЯ ПРЕСНЯ БАРИКАДАЛАРИДА ЖАНГ ҚИЛГАН ВА ҚИШЛИК САРОИНИ ШТУРМ ҚИЛГАН ПРОЛЕТАРНИНГ, БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКЛАР ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИДИР. ҲОЗИРГИ КУННИНГ ИШЧИЛАР СИНФИ РЕВОЛЮЦИЯ ЭСТАФЕТАСИНИ УЛАРДАН КАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

СУРАТДА: Олмалик мис эритиш заводининг илгортармочиликларидан (чапдан) Ю. Алижонов ва А. Кантор ўртоқлар. Улар сьездодди меҳнат вахтасида туриб ишлаб, кунлик иш нормасини 1,5—2 ҳиссага етказиб адо этиб келишмоқда.

А. ТУРАЕВ фотоси.



АВАНГАРД СИНФ

Чирчиқни кимёгарлар, машинасозлар, энергетиклар, бир сўз билан айтганда ишчилар шахри, деб бежиз айтишмайди. Октябрь зисидан баҳра олиб, олам юзиди кўрган жақши шахримиз камол топиб, қўша Шарқнинг йирик индустриал марказларидан бирига айланган. Ҳозир корхоналаримизда тайёрланаётган маҳсулотлар Иттифоқимиз оша чет элларда ҳам доғру таратган.

Утган кесак вақт ичида шахримизда нисбатан яратилган бўлса, ҳаммаси авангард синф—ишчилар синфи қўли билан бунёд этилди. Йиллар ўтиши билан Чирчиқ ҳам, унинг одамлари ҳам ўзгарди, камол топди. Ҳозир Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Омон Илёсовни шахарда ким танимайди, дейсиз. У Чирчиққа биринчи гишт қўйилган кезларда қўлига бел олиб, бўлажак электрохимия комбинатининг пойдеворини ўйган эди. Кейин бетон қўйди, гишт терди, комбинатни ишга тушириб, дастлабки килограмм минерал ўғитларни қолга жойларди. Ҳам ишларди, ҳам ўқиди. Меҳнат қилиб, кам бўлмади. Эл-юрт орасида обрў-эътибори ошди. Партияга қабул қилинди. Дўстлари унга катта ишони билдириб, цех бошлиги лавозимига кўтарилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди. Оқдиди ишчининг ҳаёт қўли мана шундай.

Омон Илёсовга ўшагача обрўли ишчилар шахарда оз дейсиз, —бехисоб улари. 160-курлиги трестининг экскаватор-машинисти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тарбож Турсулбаев, «Чирчиқсельмаш» заводининг Ленин орденли электр пайвандчиси Шариф Юсупов, электрохимия комбинатининг Ленин орденли аппаратчиси Анна Косенева, Чирчиқ шахрининг Фахрий граждани Ҳасан Шокиров каби доғдир кишилар қаҳрамон ишчилар синфига мансубдир.

Шахримиз меҳнаткашларининг ғайратчилик билан ўтган беш йилликда эвожиб муваффақиятлар қўлга киритилди. Беш йиллик пилани 18 ноябрдаёқ адо этилди. Шу давр мобайнида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 46,6 процент, меҳнат унумдорлиги эса 27 процент ўсди. Утган беш йилликда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати илгарики етти йилликка нисбатан икки марта юксакроқ бўлди. Фақатгина 1970 йилда етти йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотга тенг ҳажда минерал ўғитлар ва машиналар, уқсунлар ва аппаратлар ишлаб чиқарилди. Беш йил ичида Чирчиқ Ватанега пландан ташқари 35 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

Эришилган муваффақиятларга айниқса, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлайётган корхоналарнинг ишчилари кўп ҳисса қўшдилар. Ҳозирги пайтда 21 саноат корхонасидан 18 таси янгида усулда ҳўжалани бошқарилади. Улар янги маҳсулотнинг 96 проценти иқтисодий бермоқда.

Ишчи янгида усулда ташкил этиш мас-

ласи шахар партия комитетининг доимо диққат марказида бўлиб келмоқда. Биз бу масалани хатто пленумда ҳам муҳокама қилиб, тегишли тadbирлар белгиланганмиз. Шунинг айтиши киёфимиз, саноатта партия раҳбарлиги, ишчилар ижодий активлигини ошириш масалалари сўнгги уч йил мобайнида шахар партия комитети бюро йиғилишларида 30 марта муҳокама қилинди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш масалалари ҳам пленум ва актив йиғилишларида атрофлича кўриб чиқилган.

Ишчиларимиз партия ташкилотлари белгиланган тadbирларни амалга ошира бориб, беш йилликнинг сўнгги уч йили мобайнида 1416 та ташкилий-техникавий тadbирни ҳамда янги техника планини ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Бу янгиликлар ҳўжаликларга 7,6 миллион сўмлик иқтисодий фойда берди. Сўнгги пайтда завод ва фабрикаларда, қурилиш ва транспорт ташкилотларида меҳнатни илмий асосда ташкил этишга елоҳида эътибор берилаяпти. Кейинги йилларда НОТнинг 2,4 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган 70 та пилани жорий этилди. Рационализатор ва изобретчилардан тушган 3525 та таклифнинг амалга оширилиши билан 6,7 миллион сўмлик материал ва ҳом ашё тежаб қолинди. Ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатаётган, жамоат ишларида актив қатнашадиган ишчилар бизда оз эмас. Шундай ишларлар ки-собида шахар коммунистларининг сифи ўсиб, ҳозир 5061 кишига етган. Улар 96 партия группаси, 17 та цех партия ташкилоти, 95 та бошланғич партия ташкилотига бириляиб, мусобақанинг олдинги сафларида келмоқдалар. Ҳар бир коммунист ишчи ўз унақсасида пешқадамлик қилиш билан бирга катта жамоат топшириқларини ҳам бажармоқда.

Ҳозир шахар Советига сайланган депутатларнинг 55,7 проценти, ишчилар ташкил этилди. 33 ишчи шахар партия комитети аъзоллигига, 7 ишчи шахар партия комитети аъзоллигига кандидатликка сайланган. Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати 4-цехининг аппаратчиси Эркин Усмонов шахар партия комитети бюросининг аъзосидир. Электрохимия комбинати аппаратчиси Жамолддин Қоробоев, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати ремонт механика цехининг тоқари Анастасий Москвин, 94-қўйма механизациялашган колонна бўёқчилар бригадасининг бошлиги Надежда Ермолаева ўртоқлар эса шахар ижроия комитетининг аъзосидирлар.

Беш йиллик планларни муддатидан олдин бажаришга муваффақ бўлган чирчиқликлар бугун яна бир катта курашга отланганлар. Ҳозирги кунда барчаннинг диққат-эътибори жонажон партиянинг яқинлашиб келаётган XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан қўлиб олишга қаратилган. Илгорт коллективлар ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб,

эндиликда бу вазифаларни муваффақият-ли бажариш йўлида куч ва ғайратлари-ни аямаяптилар.

Шу ўринда айрим корхоналар ва илгорт ишчиларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини конкрет мисол тариқасида келтирмоқчиман.

Электрохимия комбинати кимёгарлари сьезд шарафига бошланган мусобақада биринчилар қатори қўшилиб, сьезд очила-диган кунгача янги йилнинг биринчи квар-тал пилани бажаришга аҳд қилдилар. Пиланга қўшимча равишда 2,5 минг тонна минерал ўғит, минглаб тонна аммиак иш-лаб чиқарилади. Қарбамид тайёрлаш 1970 йилнинг тўртинчи кварталига нисбатан 6,3 процент кўпаяди. Меҳнат унумдорлиги эса пиланга нисбатан бир процент ошиб, бир ярим миллион киловатт-соат электр энер-гияси пиланга қўшимча равишда тежаб қо-линади.

Кимёгарлар бугунги кунда мана шу юксак мажбуриятларни муваффақият-ли бажариш йўлида бор имкониятларнинг ҳаммасини ишга солмоқдалар. Бу борада ай-ниқса коммунистик меҳнат ҳаракатиға қў-шилганлар қувончи ютуқларни қўлга ки-ритмоқдалар. Ҳозир 17 цех, 21 участка, 84 смена, 63 бригада ва 9 лабораторияға коммунистик меҳнат коллективини шарафли номи берилган. 3 мингдан ортиқ кимёгар-лар коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрли номиға яраша меҳнат қилмоқда. 174 кишиға Ленинға беш йиллик зарбдори номи берилган.

«Ўзбекхиммаш» заводининг илгорт ишчи-лари орасида сьезд шарафига конкрет мажбуриятлар олиб ишлайётган машинасоз-лар ҳозир анча кенгайган. Корхона-дагилар тоқари Иван Дубовойни яхши та-нишадди. Моҳир ишчи ўтган беш йиллик пилани уч ярим йилда бажариб, ҳамма-ни қўйил қолдирган эди. Янги йилнинг бо-шдаёқ у сьезд шарафига ўз зиммасига шахсий мажбурият олиб, уч ойлик пилани икки ойда бажаришға сўз берди. Сьезд очиладиган кун тежаб қолинган материал ва ҳом ашёлардан деталлар ишлаб чиқа-ради. Моҳир тоқари пил бўйи тўла қувват билан ишлаган қарор қилган. 1971 йил да-вомида бир ярим йиллик нормани бажари-шнинг унинг аҳди-паймонидир.

Бундай ибратли ташаббуслар Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли ме-талл комбинатида ҳам, «Чирчиқсель-маш», трансформатор заводларида ҳам, поёфзал, «Гучина» тикуччилик фабрикалар-ида ҳам тўла қўллаб-қувватланмоқда ва унга амал қилинмоқда.

Хеч шубҳа йўқки, Чирчиқ ишчилари пар-тия съездини зиммага олиган мажбурият-ларини ортиғи билан бажарган ҳолда қўлиб оладилар. Бу авангард синфининг қатъий сўзидир.

Ф. ЕҚУБОВ,

Ўзбекистон КП Чирчиқ шахар комитети-нинг биринчи секретари.



КОРХОНА ЗАРБДОРИ

ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИ КПСС XXIV съездини муносиб қўлиб олиш учун бошлан-ган социалистик мусобақаға қўшилиб, сьезд очиладиган кунгача биринчи квартал топши-ринини ошириб адо этишға аҳд қилди. Пилан-дан ташқари минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилиб, дала меҳнаткашларига юборила-ди. Суратда: корхонанинг зарбдори ишчиси аммофос цехининг аппаратчиси Зара Ибраги-мова. У аини кулларда меҳнат вахтасида ту-риб, кунлик иш нормасини 130—140 процент бажараяпти.

А. Палехов фотоси.

ГЎЗАЛЛИК ШАЙДОЛАРИ

Мен билимкорлик касби соҳиб-лари қаторида бораётганим бил-лап ўзини бахтиёр ҳис қила-ман. Чунки қурувчилик улут, табарруи, шарафли ҳунарлардан саналади. Шунинг учун ҳам ҳаллимиз бу қутлуг касб ағала-рини ҳурмат қилиб эъзозлайди, уларни қурувчи, бинолор, бун-едкор деб атайд.

Бунёдкорнинг қўли нималар-ға қодир эмас? Унинг қадон қўллари, билан кучи, қалб қў-ри, пешона тери билан мамла-катимиз янада гўзалланади, шахар ва қишлоқлар, тузар-қой посёлалари, бинолор, бун-едкорлар барпо этила-ди, қудлар бустонга айланади. Қувончиси шунки, бунёдкор ин-сонға бахт улашадиги янги уй-жойлар қалибини армуғон эта-ди.

Бинолорнинг қасбига ихлос қўлиб, шу йўлда обрў-эътибор топаётган, шўҳрат қозонаётган бунёдкорлар жуда кўп. Сиз уларни соғуқ шимолда ҳам, иссиқ жанубда ҳам, ўрмонда ҳам, қўлда ҳам учратасиз.

Янги Тошкент бунёдкорлари ҳам шу бинолорлар армияси-нинг бир исми сифатида сер-куёш республикамиз пойтахти-ни қанайдан бунёд этди. Биз Тошкентимизнинг Иттифоқимиз-нинг энг гўзал шаҳарларидан бириға айланишида астойдил ғайрат билан меҳнат қилган қардош республикалар бунёдкорларидан ҳам ҳаминша миннатдормиз. Улар барпо эт-ган тузар-қой бинолари ва тур-ли иппотлар бузилмас дўстли-гимизнинг абадий рамзи сифа-тида асрлар бўйи қўна бўла-чўзиб туради.

За ҳунарининг шону-шўҳра-тини ошираётган, ундан обрў-эътибор топаётган қўли гўл ҳамкасбларим ҳақида устоз би-нолорлар, ҳақида евуру билан гапиринг, улар шаъниға янги сўзлар айтинг келайди.

Ҳозир ота Мухомудов номи ҳам-ма оғла ҳар қилган ҳурмат ол-дан тўла олинади. Ундаб шо-ғирлар тарбиялаб воғта етказ-ган, узоқ йиллар мобайнида ну-риёлида меҳнат қилган ота бу-гунги кунда қарлик сапшини сурмоқда. Партия ва ҳукумати-миз Хони отанинг ҳалол меҳ-натлари эвазига унинг қўсига «Олтин юлдуз» унвони ва Ле-нин орденини тақдир қўйдилар.

Усмон ота Маҳмудов эса ўз-бек бинолорлиги айналаридан давом эттириб келмоқда. Ота ва унинг шогирдлари сўнгги йилларда архитектураимизда

Қаримжон МУСЛИМОВ,
«Главланшестрой» пар-долаш трести, 29-бошқар-масининг бригадари, СССР Олий Совети депутати.

ЯНГИ ЭЛЕКТР ДАРЁЛАРИ

Утган беш йилликда Урта Осиёдаги асосий электр магис-тралларининг узунлиги олти ярим минг километр қўпайти-рилди. «Средазэлектросеть-строй» трестининг коллективни Ленин юбилейи йилида айниқса самарали ишлаб, 1594 кило-метр юқори вольтли электр ли-нияларини қурди. Бу «электр дарёлари» Ангрен ГРЭСи билан Наманганни, Навоий ГРЭСи билан Қаршини туташ-тирди. Ўзбекистон, Қирғизис-тқи, Тожикистон, Ўзбекистон-нинг қўпгина районоларига энер-гия йўлини очиб берди.

«Средазэлектросеть-строй» трести ҳўжалик активининг 10 февралда Тошкентда бўлиб ўт-ган йиғилишида ана шунлар ҳа-қида гапирилди.

1971 йилда қурилиш-монтак ишлари ҳажми кўпаяди. Анди-жоидан Наманганға, Қорасу-дан Қампироватға, Жамбулдан Жанатасуғға, Норақдан Ёвон ТЭЦига ва бошқа трассаларға янги электр симлари тортила-ди. Урта Осиёда биринчи марта 50 киловольт қувватиниши ли-ниялар қуришға киришилди.

Пиллик пилани 22 декабрга-ча бажаришға ва партия XXIV съезди очиладиган кун биринчи квартал пилани муддатидан, олти кун аввал адо этилганлиги тўғ-рисида рапорт беришға қарор қилинди.



ТОШКЕНТ телловоз депоси мамлакатимиз қон томирлари ҳисобланган темир йўлларда халқ ҳўжаллиги учун зарур бўлган юклар-ни графикадан олдин халқимизга етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилишяпти. Суратда: депонинг илгорт машинистларидан (чапдан ўнгға) Александр Кабаргин, Аҳмед Дяличев ва Борис Погорелов ўртоқлар.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

○ Сўнгги ўн йил ичида республикамиз халқ ҳўжа-лиги эҳтиёжлари учун 80 миллиард киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси етказиб берилди. Аҳоли жон бошиға ҳисоблаганда эса у 4 минг киловатт-соатни таш-кил этади. Ваҳоланки, чор Россияси вақтида области-миздаги барча электр станцияларида ҳосил қилинган нур жон бошиға тақсимланганида бир киловатт-соатга етар-етмас бўлган эди.

○ Шахтерларимиз фидокорона меҳнат қилдилар. Улар асрлар давомида ер остида ётган бойлик — қў-мирдан 42 миллион 331 минг тонна қазиб чиқардилар.

○ Шу йилларда қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги кескин тараққий этди. 10 йил мобайнида мамлакатимиз пахтакорларига икки қаторлигига айлантириб ҳисоблан-ганда 74 минг дон пахта териш машинаси юборилди.

ДУНЁДА ИНСОННИНГ АЪЛОСИ ИШЧИ

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Область саноати тез суръатлар билан юксалмоқда. Экономиканинг бу етакчи соҳасида сўнгги ўн йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 2,25 баравар ортди.

Саноатнинг қатор тармоқларида юксалиш суръатлари янада тезроқ бўлди. Қора ва рангли металлургия маҳсулот ҳажми ўтган йили 1960 йилдагига қараганда 7 баравар кўп бўлди. Машинасозлик ва металл ишлаш уч баравардан зиёроқ ортди. Электр энергия ҳосил қилиш 2,8 баравар кўпайди. Қазиб чиқарилган ёқилғи миқдори 41 процент ошди.

Шу ўн йил ичида химия ва нефть химияси салкам уч баравар, бинокорлик материаллари саноати тўрт бараварга, қиё, озиқ-овқат саноати эса икки баравар атрофида кенгайди.

Хали-хали ёдимда: мактабимизда «Келажикда қандай касб эгаси бўлмоқчисан» деган мавзуда кеча бўлиб ўтди.

Мусонрада юқори синф ўқувчилари келажикдаги орозулари ҳақида тўққизлаб таърифиди. Уларнинг бири врач, бири инженер бўлишлари ҳақида сўзлашди. Шунда сўз навбати менга етиб келди-юқини сезмай қолдим. Минбарга чиқдим. Барчага нигоҳи менда. Ҳали-хали тўтиб олган, бироздан сўнг, гап бошладим.

— Мен тўқувчи бўлишга аҳд қилганман. «Оқ олтин» тодаларидан аёлларимиз учун турли хил газламалар тўқимоқчиман, шу касбини танладим.

Шу-шу мени мактабда «тўқувчи», деб аташадиган бўлди. Ўқиб йиллари ортда қолди. 1966 йили Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга кирдим. Биринчи кунлари анча қийналдим. Илгиривчилари шунчалар тез айланар экан, кўз билан йлгаб олиш ва уларни

ДЎСТЛИГИМИЗ-ҚУДРАТИМИЗ

бошқариш мен учун мушкул эди. Қисқа вақт ичида ҳақдаги иш ларбаиларини пухта ўзлаштириб олдим. Бунда цехнинг ялғор йилгиривчилари менга яқиндан ёрдам беришди. Шунда коллективизм, ишчиларнинг дўстлиги қандай қудратли куч эканлигини ҳис этдим.

Менда ишлаш билан бирга институтга кириб ўқиш иштиёқи туғилди. 1967 йили Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кечки бўлимига ҳужжатларимни топширдим. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтдим. Ҳозирда институтнинг 5-курсида ўқийман. Комбинатимизда иш билан

ўқиниш бирга олиб бораётганлар кўплаб топилади. Ўйлабдан, улар 1793 ишчи ўрта мактабда, 118 ишчи комбинат ҳузуридаги техникумда ва 23 ишчи олий ўқув юртида ўз билимларини оширишмоқда. Комбинатимиз маъмурияти, касба соҳаси ва комсомол ташкилотлари илм олаётган ёшларимизга барча қулайликларни яратиб берган. Турсунов Нурмухамедов, Инобат Жўрабоева каби дўстларим институтини битириш арафасида туришмоқда.

Бундан ташқари, ўқувчи ёшларимиз жамоат ишларида ҳам актив қатнашибди. Тўқимачилар саройидаги драма, рақс ва

бошқа кўплаб тўғрақларда иштирок этишди.

Партияимизнинг XXIV съездини муносиб нишонлаш юзасидан мусобақага қўшилган комбинатимиз ёш тўқимачилари зиммаларига конкрет мажбуриятлар олинди. Улар съезд очилгандан кунгача 130 тонна пахта, 70 тонна толали илтифод қилиш, 100 та рақсчи-хатматорлик ва илтифодчилик таклифни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига 120 минг сўмлик саҳара кўришга аҳд қилишди. Бу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун комсомол-ёшлар бригадалари соҳа-ишчилик мусобақага аълоқ олган.

Ёшларимиз берган ватдаларининг удрасидан чиқишларига ишончим комил.

М. ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Меҳнат Қизил Байроқ ордени
Тошкент тўқимачилик комбинатининг йилгиривчиси.



ЧИРЧИҚДАГИ қаттиқ қўтишмалар ва ўтга чидамил металл комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари қўлидан чиқаятган маҳсулотлар оламга машинур. Суратда: корхона участкалари-дан бирини кўриб турибсиз.



КАСБИМИЗ — шахтёрлик. Неча-неча асрлар ёр остида ястаниб ётган ёқилғини ҳалқ ҳужалиги ахтиёқларига хизмат қилдираётган.

Биз қазиб чиқараётган «қора олтин» экономикаимизнинг деярли барча соҳаларида қўл келаяпти. Нурхоналар ўқорларида ёқилғи, электр энергиясига айланимда, юзлаб заводлар, соҳасоҳиса агрегатларини ҳаракатга келтирмоқда.

Ҳа, касбимиз шундай шарафли. Унинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Денни, ҳунарни пухта эгаллаган, унга меҳр қўйган, қалб қўрини, билми таърибасини аямий меҳнат қилган унинг роҳатини ҳам кўради. Ҳозирги шахтёрлар меҳнатини бундан ярим аср илгари маънавиятнинг ишига ҳақ тақдослаб бўлмади, ёр билан осмонча фарқ бор улар ўртасида. Эски замонда тор, қоронғу, ифлос лаваларда чўқмоқ, болга, бекларак ёрдаида кўмир қазиб чиқариш, аравачаларга ортиб қўлада ташиниб олди. Шахтёрнинг букчаллиб ишлашда, оғир меҳнат унинг қаддини букиб қўяди.

Шуларни эшитсам, худди туш кўраётганга ўхшайман. Қонларимиз янги ўзлаштирилган вақтда бу ерга Донбасс ва Кузбассдан келган, бизга устозлик қилиб қончиллик сирларини ўргатган рус ва украин оғаларимиздан шу ҳақда таъриб беришганди.

Эндилкида шахтёр меҳнати

ҳам беқисс енгиллашган. Турли хил қудратли ва замонавий асбоб-ускуналар улар измида. Экскаваторлар, бурғилар, ускуналар, қонлар бўйлаб узон-узюқларга чўзилиб кетган конвейер линиялари, соҳасоҳиса бўёқдизер ва тракторлар, портлатувчи мосламалар шахтёр меҳнатини беқисс енгиллаштириб юборган. Шахта лавалари худди метронга эслатади. Сон-

ман. Тўғриси айтганда, дастлаб бироз чўчимди, танлаган касбини эгаллашмга ишончиримай қолдим. Яхшиям, шу ишда суяги қотган кишилар бор экан, ўшалар кўнглимни кўтаришди, дастлабни қийинчиликлардан иккилашмасини лозимлигини ўқитишди. Фақат кўп билан ишлаш кераклигини, ҳунарга меҳр-муҳаббат қўйиш зарурлигини таъминлашди.

муддатидан бир соат илгари бажариш ҳаммамиз учун қонун бўлиб қолган. Шу туфайли доим илгөрлар сафида бораялмиш. Ўтган беш йилда ҳам чакки ишламадик. Қўшимча ўйлаб минг тонна кўмир қазиб чиқардик.

Кончилар менга катта ишонч билдириб, бир неча бор республика Олий Советига депутат қилиб сайлашди. Уларнинг республика олий оғанидаги вакили бўлиш ишнинг масъулиятини яна оширар экан. Ишонч оғлашга ҳаракат қилаялмиш.

Бизнинг халқпарвар давлатимизда оддий меҳнат кишини шундай қамқўрлик билан қўрқиб оқинган. Бунга жавобан виждонан меҳнат қилиб бугун билимнинг, таърибнинг, куч-қайратининг сарфлаб ишлагани келди.

Ҳозир бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари қаб Олхановнинг кўмирчилари ҳам партияимиз XXIV съезди шарафига мусобақани қизитмоқдалар. Шу йилнинг биринчи кварталда пландагига қўшимча 15 минг тонна кўмир қазиб чиқаришга аҳд қилидик. Эндилкида ана шу ватаннинг тўла удрасидан қиш учун қўрмай-толмай меҳнат қилмоқдамиз.

Х. АЛИҚУЛОВ,
Олхановнинг кўмир разрез Коммунист меҳнат бригадаси раҳбари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты.

МЕХНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

саноқсиз Илгир чироқлари туни кун ҳамма ёқин қароғон қилиб туради. Кучли вентиллар вентиллари қонлардаги ҳалонинг доим тоза ҳолда бўлишини таъминлайди. Қудратли насослар аса сувларини юқорига тортиб чиқаради.

Мен ҳам доворан, ватанпарвар ва софдил шахтёрлар сафига қўшилганимдан беҳад қувонаман. Касбим билан фахрланаман, гурурим ортда, чунки, қончилдан обрў-этибор ортдирим. Нонда ишлаш бошлаган дастлабни кунларимиз эсласам, беқисс илгиримизда қилиб қўй-

Улар ёрдами билан шахтёрликни пухта эгаллаб олдим. Қудратли экскаваторини бошқара бошладим, у билан ҳар кун минглаб тонна кўмир қазиб чиқариб вагонларга орта бошладим. Бир экскаватор бутун бир ўрта миёна шахтада қазиб олинадиган кўмирга тенг ёқилғини вагонларга ортади. Демак, у юзлаб қончилар ишнинг бажарди. Меҳнатнинг қатнаш ишчилар кўнглини қўшиб ишлар экансан. Мана бир неча йилдан бери экскаваторчилар бригадасига раҳбарлик қиламан. Нормани

Ҳаёт сўқмоқлари. Наҳадар турли-туман ва бир-бирига ўхшашмас улар. Ҳамма гап ўз қобилиятинг, талантинг, маҳоратининг кўрсатиш имконини берадиган тўғри йўлни танлаб олишга қолган.

Шундай сўқмоқлар борки, улардан дидил одим аталган ҳар бир киши эл оғанига тушадиган, ҳалол обрў-этибор, ҳурмат қозонади. Ҳар доим изаёт-икромда бўлади. Бундай сўқмоқлар бизнинг ҳур диёримизда соҳасоҳиса. Ҳоҳлаганингини тапшириш, истаганинг буйлаб қамолат сари боришиг мумкин.

Сайд Нуриддинов ҳаёт сўқмоғини тапашда виждон амрига қўлоқ солади. Ҳалол меҳнат қилишни ўз ҳаётининг қонунини, она-Ватан олдидаги муқаддас бурчи деб билиди. Шунинг учун ҳам ўн санкиз ёшдан йилгиривчи бўлиб, автодизелди ўтган Каттақўрғоннинг тарк этиб, Бекободга келди. Бу ерда йилгиривчи металлургия заводи йурлайганидан хабардор бўлганди. У Улғу Ватан урушининг оғир, ташвишли йилларидан шу корхона бунёдкорлари сафида бўлди. Прокат цехида ишлаш ҳоҳишини билдирган, унинг илтимосини бажорди-дил қондиришди. Бундан деярлик чорак аср илгари Сайд Нуриддинов қўрилишда иштироклаган прокатнинг дастлабки метрларини ишлаб чиқарди.

Эндилкида у корхонанинг ветеран ишчиларидан. Ҳаммамизнинг ҳурматига сазовор бўлган. Прокатчиликнинг ипидан итисига пухта билиди. Меҳнатда пешкадари, ҳаммага ўрнак. Касбдошлари устоз деб муножаат қилишади, унга. Қўшини Социалистик Меҳнат Қаҳрамони олтин медали, қатор орден ва медаллар безатиб турибди.

Прокатчи бундай ҳурмат-этиборга осонликча эришгани йўн. Касбини эгаллаш ўнган бўлмади, анча машаққат билан эришди унга, қийнақди. Ўз-луқсиз изланишга тўғри келди. Ҳамкасбларининг таърибасини эринмай ўрганди.

— Металлургия бўлиш ёшлигимда ҳақимга ҳам келмаган эди. — дейди Сайд Нуриддинов. — Қишлоғимизда темирчи бор эди. У артаю-кеч ўзининг ис бостан, қончоронинг устасонасида майда-чуйда темир буюмларни тайёрларди. Мен ана шу йили ишга қўйил қолардим.

Ўз қизқич билан қузагардим уни. Мўъжизақордон турларди менга. Ушанда темирчи бўлиш оғзуси тутилганди. Мана, энди металлургман, прокатчилик қиламан. Катта ҳажмдаги пўлат тўзаларини қудратли агрегатлар ёрдамида оддий еимга айлантирялмиш. Маҳсулотимиз қўрилишларда кенг фойдаланилаети. Ҳатто чет элларга ҳам жўнатилмоқда.

Биринчи вальцовкадан агрегатини Белорусияда бошқардим. Бир группа ўзбек ишчиларини бу касбини ўрганиш учун шу шаҳарга юборишган эди. Қадардон заводимизда биринчи кунлари ҳар сменада 15 тонна уч бурчак прокат ишлаб чиқариладди. Ҳозир 200 тонналар прокат бераймиз.

чилик қилилган. Катта ҳажмдаги пўлат тўзаларини қудратли агрегатлар ёрдамида оддий еимга айлантирялмиш. Маҳсулотимиз қўрилишларда кенг фойдаланилаети. Ҳатто чет элларга ҳам жўнатилмоқда.

Биринчи вальцовкадан агрегатини Белорусияда бошқардим. Бир группа ўзбек ишчиларини бу касбини ўрганиш учун шу шаҳарга юборишган эди. Қадардон заводимизда биринчи кунлари ҳар сменада 15 тонна уч бурчак прокат ишлаб чиқариладди. Ҳозир 200 тонналар прокат бераймиз.

ЛАВХА

Агар корхонада ким кўп прокат беради, десангиз Сайд Нуриддинов бригадаси дейишадиган. Ким энг яхши сифатли прокат беради десангиз яна шу номини тилга олишади. Ким тежамкорликда машхур десангиз яна уни тақдорлашади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Дондор прокатчи раҳбарлик қилаётган бригада аъзоларининг зафарлари мактобга сазовордир.

Улар доим ишлаб чиқариш илгөрлари сафида боришади. Бирор ой ён йил йўқини, бу бригада барча кўрсаткичлар бўйича топиришнинг ортиси билан бажармаган бўлсин. Санкининг беш йиллик планини ҳам биринчилар қатори адо этди. Қўшимча ишлаб чиқарган прокати уларча тоналани таъкил этди.

В. И. Ленин номи Ўзбекистон металлургия заводида бўлган «Нуриддиновлар сулоласи», «Нуриддинов усули», «Нуриддинов шогирдлари» деган гапларни кўп эшитасиз. Нуриддинов мактабиде таълим олганлар корхонада жуда кўп. Унинг илгор усулини қўлланганлар доим баракали ишлашади, маҳсулот сифатини яхшилашга, бракнинг камаинишга эришади. Вальцовка агрегатлари вакилларининг узоқ муддат давомида бузилмай ишлашнинг таъминлашди. Шогирдларини санаб саногига етказилсин. Уларнинг айрим-айримини ўз шогирдлари бор.

Сайд Нуриддиновни улкан қиноврга ўқшатиш келди. Чунки бу авлод вакиллари корхонада йилдан-йилга қўлайи, илгир оғиб мустақамлашмоқда. От изини той босади дегандаридек, Сайд аканинг уларни ҳаёт иккиламани унинг изидан боришлати. Ака касбини биринчи бўлиб Шамсиз ўр-

ганди. Дастлаб у холодийлида ишлади. Ленин бу ишдан қўнгли тўламасди. Акаси ёнига кириб прокатчилик қила бошлади. Эндилкида у мастер. Раҳбарлигидаги бригада меҳнатда акаси бригадасидан қўлимийди. Ака-ука бир-бирига смена топиради, бир-бири билан мусобақадор, ўзаро ҳамкор. Иккинчи унаси Кўки ҳам Бекободга келди. У Сайд аканинг бригадасида металл қирувчи бўлиб ишламоқда. Сайфи ҳам балогат ёшига етган, металлургия бўлиш истагини билдириди. Байванди бўлиб ишлади. Эндилкида смена боилиди. Иш давомида корхона ҳузуридаги техникумни тугатди.

Ака-укаларнинг ҳаммаси уйил-жойли, бола-чақали бўлиб кетишган. Ёни-ён туришади. Ҳаммасининг ҳовлисидан Сайд ака ҳовлисига чиқадиган эшик бор.

Ҳа, Сайд ака ўз укаларига оталик қилди, касбкорини ўргатди. Сайд ака бригадаси интернационал ҳисобланади. Унда 12 миллат вакиллари аҳил оила аъзоларидек меҳнат қилишади. Нуриддиновлар сулоласи ҳам ана шундай интернационал. Сайд аканинг уйи йўлдоши рус аёли Вера прокат стандаи ача вақт қранчи бўлиб ишлаган. Шамсиз билан Кўки ҳам металлургия қирилари уйланишди. Шамсизнинг уйи йўлдоши. Мунаввар татар, тоқини йўли Саодат Кўкининг раҳбараси. Ака-укаларнинг умумий иш стажини 100 йилдан ошад.

Давриймиз жуда аъойиб, Деҳқон фарзандлари бўлган ака-укалар ишчи касбини эгаллашган. Уларнинг ҳаммаси заводдаги эмас, балки шаҳарда ҳам ҳурматли ишчилар. Сайд ака бир неча бор шаҳар Совети депутатлигига сайланди.

Металлургия заводида оловкор сулолар, металлургия касбини эгаллаган ака-укалар анчагина бор. Юнус, Файзулла, Бобо Юсуповлар пўлатни узулқсиз қўйиш қурилмасида биргаликда ишлашади. Фитрат Муҳаммаддиновлар оиласининг бир неча аъзоси шу коллектив аъзолари. Тўрт ака-ука Мадамновлар ҳам шу ерда меҳнат қилишади.

Бу Нуриддиновлар бошлаган аянани давом эттаётганлигини кўрсатиб турибди. Шундай ишчилар бор экан, корхона яшайверди, коллектив меҳнатда янги-янги марраларни эгаллайверди.

М. МИРҲАМИДОВ.


ЯХШИ ДАМ-ИШГА ҲАМДАМ

«Ташсельмаш» заводи касба соҳаси комитети йўлланмаси билан ишчилар меҳнат отпускатларини санаторий ва дам олиш уйларида ўтказмоқдалар.

Ўтган йили 800 дан ортиқ ишчи ва хизматчи санаторий ва дам олиш уйларида бўлди. Бундан ташқари заводнинг Исесик кўлидаги пансионатида 1100 дан ортиқ ишчи дам олиб қайтди.

Янги йилнинг дастлабки куниндан бошлаб касба соҳаси таъиноти яна 15 кишига ўз меҳнат отпускатини самарали ўтказиш учун, дам олиш уйларида бўлган берди. Касба ишчи 27-цехнинг мастери Фозил Солиҳов ҳам меҳнат отпускатини Чехослованиянинг Карлови-Вари санаторийида ўтказди. У бешун пўтёвча билан таъминланди.

Бундан ташқари икки кунлик дам олиш ҳам яхши ўтмоқда. Машинасозлар Чимен тоғи этакларида ҳордиқ чинарадилар. Бунинг учун махсус автобуслар ажратилган.



АНГРЕН ГРЭСининг аҳил коллективи партияимизнинг навбатдаги XXIV съездини муносиб тортиқлар билан нишонлаш юзасидан бошлаган умумхалқ соҳасидаги мусобақасига қўшилиб, съезд очилган кунни таъминлаган ёқилғи ҳисобига ишлашга аҳд қилди. Суратда: (чапда) машина заводининг участкаларидаги бирда, (унда) съезд шарафига фахрли меҳнат вах-тасининг иштирокчиси, машинист ёрдамчиси Марофий Марозинев.



И. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТИН фотолари.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Ишчилар областимиз меҳнаткашларининг турли-туман кенг истеъмол товарлари ва озиқовқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш йўлида ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Шунинг айтиш қифояки, сўнгги 10 йил ичида совет кишилари эҳтиёжлари учун 1 миллиард 711 миллион квадрат метр илгизлама, салкам 100 миллион жуфт чарм-пояфзал чиқарилади.

Озиқовқат маҳсулотлари тайёрлаш ҳам кўпайиб бормоқда. Сўнгги 10 йилда 351,5 минг тонна усимлик мойи, 713 миллион дон шартли банка консерва, 334,5 минг тонна турли-туман ширинликлар етказиб берилади.

